

Тамара Грей ва Нажия Максфилд китоблар танловини ўтказишни таклиф қилишди



10:40 / 01.08.2021 1045

Етти йил олдин ўз нашриётига асос солган америкалик муслима аёллар Тамара Грей ва Нажия Максфилд ислом ҳақидаги нотўғри тушунчаларни йўқ қилишга ёрдам берадиган китобларнинг энг яхши танловини таклиф қилишни орзу қилишган. Бугун улар стереотипларга қарши курашдан бошқа катта орзуга эга. Улар Миннеаполис мактаб дарсликларида мусулмонлар тасвирини ўзгартиришга интилишади. Миннесота штатидаги мусулмон жамоалари ҳақидаги тасаввур ҳақида охириги ўн йил ичида яхши томонга ўзгарган бўлса-да, Грей ҳали қилинадиган ишлар кўплигини айтди.

“Ўқув дастурига китобларни киритиш тизими билан ишлаш ҳақиқатан ҳам қийин. Ўқитувчилар ва маъмурлар ижобий ёрдам беришга тайёр, лекин ҳақиқат шундаки, тизимнинг ўзини ўзгартириш қийин”, - дейди Грей.

Ўқувчилар учун қўшимча материаллар топиш ўқитувчилар ихтиёрида бўлгани учун, Грей кузда мактаб ўқитувчилари билан учрашиб, мусулмон жамоалари ҳақида ёзилган асарлар ҳақида гаплашишни режалаштирган.



Хуршид Маъруф тайёрлади